



Ishonch



Моҳият

Ислохот
ислохот учун
эмас, энг аввало
инсон учун,
инсон манфаат-
ларини таъмин-
лаш учун.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan



Сурхон замини, Сурхон юрти яратганинг ўзи унга ато этган тарихи, ўзига хослиги ва гўзал табиати, аввало шу ерда яшайдиган халқнинг самимияти ва меҳмондўстлиги билан ўзига доим эътиборни тортиб туради.

Ислом КАРИМОВ

Эътибор ва эътирофга муносиб воҳа

Бугун Ватанимизнинг қай гўшасида бўлмаган, оламшумул янгиликларга гувоҳ бўласиз. Шу жумладан, мамлакатимизнинг жанубий сарҳади Сурхондарё ҳам чирой очмоқда. Воҳада ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларда катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

ларни қуриш, янги қонларни ўзлаштириш-у, ҳудуднинг қазилма бойликлари захирасидан янада унумли фойдаланиш имконини берди.

лардаги ўзгаришларни таъкидлаш анчайин мушкул. Шундай экан, Сурхондарё билан танишмоқ, бу юрт одамларининг меҳмондўстлиги, самимийлиги ва мардлигидан баҳра олмақчи бўлсангиз, яхши Алпомиш-Барчинойлар юртига таширф буюрган маъқул.

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига иш ўринлари кўпаймоқда. Йилнинг ўтган етти ойида мавжуд қорхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш, кичик озиқ-овқат саноати ҳамда ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш нуқталарини кўпайтириш, миллий хунармандчиликка эътибор қаратиш, йирик ишлаб чиқариш қорхоналарига қасанчиликни жорий этиш ҳисобига 2173 та янги иш ўрни яратилди.

2011 ўқув йили битирувчиларининг ҳозирча 84 фоизи ўзларини қониқтирадиган иш ўринларига эга бўлди.

Аҳолини иш билан таъминлашда тадбиркорларнинг ҳиссаси катта бўлаёпти. Масалан, аҳолига савдо ва маънавий хизматлар кўрсатаётган «Минор СТХ» қорхонасида 25 киши ишламоқда. «Достон Акмал келажак» хусусий қорхонаси эса «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан ажратилган 100 млн. сўм кредит эвазига қорхонани қайта қуришга қўйиб, ўнлаб иш ўрни яратилди.

(Давоми 3-бетда)

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банкида ҳудудий бошқармалар ходимлари ўртасида футбол турнири ташкил этилди.

Энг улуг, энг азиз

— Турнир банк ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соғлигини мустаҳкамлаш орқали меҳнат қобилиятини юксалтириш, шунингдек, уларнинг ишдан бўш вақтларини тўғри ва маънавий ташкил этиш мақсадида уюштирилди, — дейди «Агробанк» ОАТБ касабаси уюшмаси раиси С.Оразов. — Мусобақада марказий аппарат, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоят филиалларидан иборат 14 та жамоа қатнашди.

Касаба уюшма сиртқи мактаби

Ижтимоий шериклик — давр талаби

Корхоналарда меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни ташкил қилиш, амалга ошириш ва кучайтиришнинг асосини эса қуйидаги масалалар ташкил қилади:

Мамлакатимиз тараққиётида иқтисодийнинг реал секторидаги қорхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг салоҳияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бугунги кунда қорхоналарда ва ҳўжалик юритувчи субъектларда ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш, энг аввало, меҳнат соҳасида ижтимоий шерикликни қарор топтириш ва ривожлантиришни тақозо этипти.

тасдиқлаш, амалиётга жорий этиш, ижросини назорат ва муҳофизат қилиб бориш;

— «Мустақкам ҳуқуқий асос тартиб-интизом гавоҳи бўлса, ўз навабатида тартиб-интизом ҳам мақсадга етишиши гарови!» — шiori остида қонун устуворлигига таянган ҳолда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқи, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий-маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш билан бир қаторда, ходимлар томонидан ҳам қонунчилик талабларига ва тартиб-интизомга риоя қилинишини таъминлаш;

Исзат ХИҚМАТОВ

Экотуризм ривожланади

Фориш туманидаги «Нурота» Давлат қўриқхонасида биохилмаҳилликни таъминлаш баробарида экотуризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Абдуманнон АЗИМОВ, «Ishonch» муҳбири

(Давоми 2-бетда)

Ижтимоий шериклик — давр талаби

(Давоми. Боши 1-бетда)
Корхоналарда меҳнат соҳасида ижтимоий шериклиги таъминлаш ва кучайтириш борасида касба уюшма етакчи ва фаолларнинг ўрни, иштироки ва вазифалари хусусида узок гапириш мумкин. Аввало, узоро ҳамкорлик доирасида куйидаги масалаларни ҳал қилиш тартиби ва мuddатлари белгилаб қуйилишига эришиш даркор:

- тарфларнинг вакиллари мас тахлатлашуви ва мулоқотларини ўтказиш, томонларнинг таклифларини кўриб чиқиш, узоро таъсир ва узоро назоратни амалга ошириш;
- ходимларнинг меҳнат ҳуқуқи, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий-маиший ва ҳуқуқий манфаатларига тааллуқли масалалар буйича қарорлар қабул қилиши;
- олинган мажбуриятлар буйича томонларнинг масъулияти ва жавобгарлигини белгилаш; зарурият юзига келганда томонларнинг мажбуриятларини қайта кўриб чиқиш;
- ҳамкорликда амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш бориш.

— меҳнатни меъёрлаштиришнинг мақсади ва вазифаларини, корхонадаги мавжуд таъминлаш-техник ва меҳнат шароитларини, технологик жараёнлар хусусиятлари ва қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари инobatга олган ҳолда асосланган меҳнат меъёрларини белгилаш;

— меҳнат муҳофазасини ташкил қилиш ва бошқариш буйича аниқ мажбуриятлар ва тартиб-қоидаларни, корхонадаги меҳнат шароити ва ишлаб чиқариш хусусиятларини инobatга олган ҳолда иш режими, иш вақти ва дам олиш вақтларини белгилаш, касби ва малакалари буйича ходимларнинг тўлиқ бандлигини таъминлаш;

— корхона фаолиятининг яқиний натижаларидан келиб чиққан ҳолда ходимларга ижтимоий имтиёзлар, меҳнат ҳақи билан боғлиқ бўлмаган компенсация тарзидаги тўловлар ва ишчи кучини сақлаш учун сарфланганидан харажатлар таркиблари ва микдорларини белгилаш.

Учинчидан, юқоридики айтилган масалалар буйича иш берувчилар вакиллари билан музокаралар олиб бориш ва тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларни меҳнат жамоаси номидан имзолаш, амалиётга жорий қилиш ва ижросини назорат қилиш, олинган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида меҳнат жамоасига ҳисоботлар бериб бориш.

Ва nihoyat, меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик асосини ташкил этувчи масалаларни ҳал қилишда ҳар бир касба уюшма етакчиси меҳнат муносабатларига оид халқаро нормалар, қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини, корхонанинг мақоми, ҳуқуқлари ва ваколатларини, маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш, етказиш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар таркиби ҳамда турларини, ишлаб чиқариш билан боғлиқ меҳнат ҳақи тўловлари ва ишчи кучини сақлаш харажатларига кирадиган тўловлар турлари ҳамда уларнинг тўланиш манбаларини, меҳнатни меъёрлаштиришнинг мақсади, вазифалари ва усулларини, меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларини ҳамда уларни ташкил қилиш услубларини мукамал билишлари тақозо этилади.

Иккинчидан, меҳнат муносабатлари доирасидаги масалаларни тартиб-қоидалар ички меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш борасидаги мулоқотлар ва музокаралар жараёнида қуйидаги масалалар буйича ҳар томолама асосланган ва томонлар манфаатига хизмат қилувчи таклифлар киритиш ва уларнинг қабул қилинишига эришиш фойдадан ҳоли бўлмади:

- муайян ишлаб чиқариш участкасидаги меҳнат шароитини ва вазифаларини инobatга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай ёки ишбай шаклини ҳамда уларнинг турли кўринишларини қўллаш;
- меҳнат ҳақи тўловларининг маҳсулот таннарихи ва жами харажатлар таркибидан улуғини ошириш, бажариладиган ишларни тарификациялаш ва ишчи-хизматчиларга тариф-малака разрядларини белгилаш;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ходимларни мукофотлаш, рағбатлантириш низомида ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, мукофотлаш кўрсаткичлари ва шартларини ўзгартириш;

Учинчидан, юқоридики айтилган масалалар буйича иш берувчилар вакиллари билан музокаралар олиб бориш ва тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларни меҳнат жамоаси номидан имзолаш, амалиётга жорий қилиш ва ижросини назорат қилиш, олинган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида меҳнат жамоасига ҳисоботлар бериб бориш.

Ва nihoyat, меҳнат соҳасида ижтимоий шериклик асосини ташкил этувчи масалаларни ҳал қилишда ҳар бир касба уюшма етакчиси меҳнат муносабатларига оид халқаро нормалар, қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини, корхонанинг мақоми, ҳуқуқлари ва ваколатларини, маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш, етказиш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар таркиби ҳамда турларини, ишлаб чиқариш билан боғлиқ меҳнат ҳақи тўловлари ва ишчи кучини сақлаш харажатларига кирадиган тўловлар турлари ҳамда уларнинг тўланиш манбаларини, меҳнатни меъёрлаштиришнинг мақсади, вазифалари ва усулларини, меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларини ҳамда уларни ташкил қилиш услубларини мукамал билишлари тақозо этилади.

Тармоғимизда келишувлар

ва жамоа шартномалари орқали йил давомида ҳар бир ходим учун сарфланган маблағлар микдори йилдан-йилга кўпаймоқда ва 2010 йил якуни буйича 2,3 млн. сўмдан ошди (2009 йилга нисбатан 1,2 барабарга кўпайган) ва республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 45-50 баробарини ташкил қилади.

Ўз навбатида, келишувлар ва жамоа шартномаларига нисбатан ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифадаги ходимлар, аёллар ва ёшлар ҳамда ишламаётган пенсионерлар учун қонунчиликда белгилангандан юқори ҳақ имтиёзлар киритилишига ҳам эришилди. Амалдаги тармоқ тариф келишувларида ва жамоа шартномаларида оналар фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунча қадар моддий ёрдам кўрсатиш, ёш аёлларга туғишга ва туғишдан кейинги ҳақ тўладиган таътиллар кунларини узайтириш, кўп болали аёлларнинг иш ҳафтасини иш ҳақлари сақланган ҳолда бир соатга қисқартириш, кам қонли ва даволанишга муҳтож ёш аёлларни корхоналар ҳисобидан тиббий кўриқдан ўтказиш ва даволаш, ёш оилаларга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узок мuddат фойдаланиладиган жиҳозлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун фозисиз ссудалар ажратиш, ходимларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юрларида тахсил олаётган фарзандларининг контракт тўловларини қоплаш, тармоқ тизимида узок йиллар ишлаб пенсияга чиққан ва ишламаётган пенсионерларнинг пенсияларига устамалар белгилаш шулар жумласидан. Касба уюшма Марказий кенгаши билан нефть-газ ва энержетика тармоқлари ўртасида тузилган тариф келишувлари мумовоқ биргина 2010 йил давомида ишламаётган пенсионерларнинг пенсияларига устамалар тўлаш имтиёзи нефть-газ тизимида 7900 нафардан ортик пенсионерга татбиқ этилиб 4,6 млрд. сўмга яқин, энержетика тизимида 5600 нафардан ортик пенсионерга татбиқ этилиб 2,3 млрд. сўмдан ортик маблағ сарфланганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Фафуржон ҲАМИДОВ,
Ўзбекистон Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноти ва геология ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши раисининг ўринбосари

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Жазирама кунларда сифатли чанқовбосди ичимликларга талаб янада ошади. Нукус шаҳридаги «Нукус-мироб» масъулияти чекланган жамиятида модернизация тадбирлари амалга оширилгач, ички бозордаги ана шундай талабни қондириш имконияти янада кенгайди.

Янги технологиялар асосида

Бу ерда соатига 9 минг литр сувни тозалайдиган замонавий ускуналар ва 5 минг дона идишга ичимлик қадоқлайдиган янги линия ишга туширилди. Бозорга 14 турдаги юқори сифатли чанқовбосди ичимликлар етказиб бераётган корхонада 25 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг салмоқли қисмини касбуна қоллаб қолдириш битирган ёшлар ташкил этади.

Суратда: Сапармурат Есемуратов.
Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат



Энг намунали. бошланғич ташкилот

Қарши Давлат университети ходимлар касба уюшма кўмитаси республика олий ўқув юрлари ўртасида энг намунали бошланғич ташкилот деб топилди. Кўмита 980 нафар профессор-ўқитувчилар ҳамда ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаб келяпти.

— Иш берувчи билан ижтимоий шериклик тамойиллари асосидаги фаолиятимиз натижасида ходимлар ишончи ортиб борапти, — деди биз билан суҳбатда касабакўми раиси Тўлқин Файзиев. — Иш берувчи томонидан жамоа шартномасига кўра кам таъминланган ва эҳтиёжманд ходимларга моддий ёрдам бериб келинмоқда. Наврўз байрами муносабати билан 967 нафар ходимга 104 миллион 387 минг сўм ва иш ҳажмининг кўпчилиги ҳамда оилавий шароитига қараб 21 нафар ходимга 17 миллион 310 минг сўм микдорида моддий кўмак кўрсатилади.

Касба уюшма маблағлари ҳисобидан эса жорий йилнинг ортада қолган олти ой мобайнида кам таъминланган ходимларга бир миллион 163 минг сўм микдорида кўмак

уюштирилди. Ёлғиз, ётиб қолган педагоглар ҳам эътибордан четда қолмапти.

19 нафар профессор-ўқитувчи мамлакатимиздаги турли сийҳатгоҳларда хордик чиқаришди. Ходимларнинг 25 нафар фарзанди Шахрисабздаги болалар оромгоҳида соғломлаштирилди.

Танлов

Июн ойида барча ходимлар бепул тиббий кўриқдан ўтказилди.

Тўлқин ака таъкидлаганидек, касба уюшма иши кенг қамровли. Кимдир моддий ёрдам сўраб қабулига кирса, яна бошқаси ҳуқуқий маслаҳат сўрайди. Дарвоқе, тармоқ касба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан ўтказилган

«Меҳнат муҳофазасининг жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этувчи» кўриқтанловида ҳам Қарши Давлат университетининг ходимлар касба уюшма кўмитаси голиб деб топилди. Хуллас, кўмитада ишчанлик муҳити ҳукмрон. Университет ҳудудида Мустақилликнинг 20 йиллиги муносабати билан «Касба уюшма боғи» ташкил этилган. Шунингдек, Қарши туманида олий ўқув юртининг 4,3 гектар майдони бўлиб, 1200 туپ мевали ва 3000 туپ манзарали дарахт ниҳоллари ривожланапти.

— Республикадаги олий ўқув юрлари ўртасида бизнес жамоани «Энг намунали бошланғич ташкилот» деб топишгачи учун тармоқ касба уюшмаси Марказий кенгашига миннатдорчилигимизни билдираимиз ва янада куч-ғайрат билан ишлашга интиламиз, — деди Тўлқин Файзиев суҳбатимиз сўнггида...

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Соғломлаштириш

Болалар оромгоҳи — келажакка қўйилган сармоя

Яқинда «Ниҳол» оромгоҳида бўлиб, болаларнинг вақти чоғ, сермазун ўтаётганига гувоҳ бўлдик. Орау-умид порлаган кўзларга боқиб, кўнглимиз таскин топди.

— Мен бисер тикишни ўргандим, — дейди кичкина Мадинабону қувончи ичига симамай. — Уйга бориб бисерли буюмлар тикаман!

— Биз сузишни ўргандим! — дейишди Хасанжон ва Хусанжонлар. — Ҳар кун мазза қилиб қўйилганмиз.

— Кеча Фарғонадан келган актёрлар кизик томоша кўрсатишди, — дейди Умиджон. — Кула-кула томоша қилдик...

— Вилот рус драма театри жамоаси болаларимизга ёш режиссёр Анвар Абдуллаевнинг дебюти — «Уйинчюклар» асарини қўйиб кетишди, — дея ихоз беради тарбиячи Иродахон Холмирзаева. — Биласизми, оромгоҳга келган дастлабки кунларда болалар бироз қимтин Brock туришди. Кейин шундай киришиб кетишдики, ўзларининг иқтидор — имкониятларини намоийш эта бошладилар.

Иродахон ҳақ. Китоблар, фильмлар, тасвирий санъат, шеърлар бола қалбидagi энг нозик туйғуларни жўшурдиради, туғма қобилиятини юзага чиқаради.

«Ўзинг яса», «Табиат қўйнида ижод», «Кувноқ стартлар», «Миллий ўйинчоқлар», «Компютер оламига саёҳат», «Иқтидорларни излаймиз», «Эски эртак янги йўсини», «Заковат», шунингдек, мусика, ракс туғрақлари кўп. Ҳамма ўзига ёққанини танлайди.

Хўш, ота-оналарнинг бу ҳақдаги фикрлари қандай?

— Ҳар йили фарзандларим оромгоҳларда бепул дам олишди, — дейди «Ўзбектелеком» АК Фарғона филиали транспорт бўлими хашмираси Эйтиборхон Мулложонов. — Улар оромгоҳдан чиройлари очилиб, қандайдир тийран фикрлар эгаси бўлиб қайтишди. Уларга қараб, қувониб кетаман. Ҳар хил кунарга, бирон бир ижод турига кизиқиб қолганини кўраман.

— Бола оромгоҳда дўстлар ортиради. Ўзини уларга солиштириб кўради, заиф томонларини йўқотишга, бошқалардан яхши сифатларни олишга ҳаракат қилади. — дейди вилот алоқа ходимлари билан ишлашган касба уюшма кўмитаси раиси Абдуваҳоб Жўрабоев. — Қанақадир ижодий ишга мейр қўяди. Айниқса, ўғил бола учун оиладан, ота-она бағридани нари бўлиб туриш кони фойда. Ахир у келажакда оилани бошқаради, муҳими, Ватан

ни ҳимоя қилади! Вилотимиздаги алоқачиларнинг 385 нафар фарзандини «Хумо», «Ниҳол», «Коинот» оромгоҳларида дам олдиришни режалаштирган эдик. 422 нафар болаларимиз ана шу оромгоҳларда мариқиб дам олдилар. Келгуси йили бундан ҳам кўпроқ болаларни соғломлаштиришни ният қилиб қўйдик.

Болаларнинг «Мустақиллик — менинг тақдиримда» деб номланган олимпиада, расмлар танлови ўтказилгани, шу мавзуда дөлвий газеталар чиқаришда қатнашганликларини ҳам мароқ билан ҳикоя қилиб бердилар.

Дарҳақиқат, оромгоҳнинг тарбияда ўрни бўлакча. Бу тенгсиз, сўлим масканда бола орзуларига эрк беради. Биламизки, жуда кўп адиб ва шоирлар тақдирини ҳам оромгоҳлар муҳим ўрин тутган, биринчи марта ижод намуналарини, шеърини сатрларини улар шундай гўшаларда битган ва бошқаларга илинган.

Бизда оромгоҳ, бири-бирдан зукко болаларнинг ёқимли таассуротлар қолдириди. Вилот касба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорлик кенгаши раиси Анвар Юнусов бу ҳақда шундай дейди:

— Чиндан ҳам бу йилги болаларни соғломлаштириш мавсуми ҳар

йилгидан яхшироқ ўтаёттир. Бу мавсумда дини «Хумо», «Ниҳол», «Коинот» оромгоҳларида пухта тайёргарлик кўрилгани, муносиб педагог кадрлар танлангани шарофати, албатта. Шаҳар ва туман ҳокимликлари эътиборидан жуда мамнунмиз. Хомий ташкилотлар, фермер хўжалиқлари сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб туришибди. Вилот халқ таълими, маданият ва спорт ишлари, соғлиқни сақлаш бошқармалари, вилот ДСЭНМ, Фарғона «Дори-дармон» ОАЖ, қўйингки, барчамиз ҳамкорликда иш олиб боряпмиз.

Хабарингиз бор, 23 та шаҳардан ташқаридаги оромгоҳда 11990 нафар, мактаблар қошидаги кундузги 30 та оромгоҳда 9770 нафар, жами 113 та оромгоҳда 21760 нафар бола дам олдирилиши режалаштирилган эди. Айни кунда 21600 нафардан кўп бола соғломлаштирилди. Барча маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, суҳбатлар, «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида ўтказилмоқда. Шунингдек, фаолиятимизга «Интеллектуал оромгоҳ» атамаси кириб келгани, болаларнинг ақлий салоҳиятини оширишга аҳамият кучайти-



рилгани билан ҳам шу йилги мавсум эсда қоларли бўлди. Шу кунларда Қўқондаги «Коинот» оромгоҳида иқтидорли болаларимиз дам олишмоқда. Илк бор мактаб ўқувчилари ўртасида умумтаълим фанлари буйича ўтказилган республика билимлар синови бахслари голиблари — тарих фанидан Саиджон Акбаров (Бағдо), рус тилидан Далер Раҳмонов (Фарғона шаҳри), тарих фанидан Зиёда Тайланбоева (Кува), кимё фанидан Зиёда Инатуллаева (Фарғона тумани), биология фанидан Бобомурод Адхамжоновлар (Кува) республика босқичида қимматбахо соғвлар билан мукофотланди ва Тошкент вилотидаги «Кўшли» интеллектуал оромгоҳида дам олишди.

Зеро, илм олишга чоғланган, демаски, Ўзбекистонимизни шону шарафга буркашга, буюк аждодларимизга муносиб бўлишга бел боғлаган ўғил-қизларимизни ҳар қанча қўллаб-қувватласак арзийди.

Ҳафиза САЛЯХОВА

Ибрат

Талимаржон Иссиқлик электр станцияси жамоаси воҳадаги кўпгина ташкилотларга ҳомийлик ёрдами курсатиб, эл хурматини қозонмоқда. Корхона директори, халқ депутатлари вилот кенгаши депутати Искандар Баситов раҳбарлигида кўпгина ибратли ишлар амалга оширилляпти. ИЭС жамоаси 500 миллион сўмдан ортик маблағ сарфлаб, Қарши шаҳридаги болалар мурувват уйини таъкирдан чиқариб берди.

Ҳомийлар химмати




Станция жойлашган Нуристон шаҳарчасининг обод ва гўзал бўлиб боришида ҳам кўп минг кишилик жамоанинг ҳиссаси катта. Хусусан, шаҳарчада жойлашган 3 та умумтаълим мактабининг моддий техника базаси мустаҳкамланиб бормоқда. 560 миллион сўм маблағ сарфланиб 20-мактаб биноси капитал таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, уйда таълим олаётган имконияти чекланган 8 нафар ўқувчи энг сўнгги нусхадаги компьютер жамланмаси совга қилинди. Маҳаллалардаги 20 та кам таъминланган оилага доимий моддий ёрдам курсатиб келинмоқда.

Яккабоғ туманининг Кенгузар қишлоғида жойлашган болалар оромгоҳининг 1100 нафар ўқувчиси бепул даволаниб соғлиқини тикляпти. Улар корхона хомийлигида Шаҳрисабз, Китоб ва Яккабоғ туманларининг тарихий жойларини даволашга бўлишди. Шунингдек, хомийлик сабаб «Самарқанд» фуқаролар йиғинидаги Меҳнатобод қишлоғи тобора обод бўлиб бормоқда. 2 километр масофага қувур ётқизирилиб, ичимлик суви келтирилди. Қишлоқдаги сув сақлаш иншооти таъмирдан чиқарилди. Худудни газлаштириш учун 4 километр масофага қувур ётқизилди.

Ҳўжакул НАЗАРОВ,
Нишон туманидаги 20-мактаб бошланғич касба уюшма ташкилотининг раиси

Эътибор ва эътирофга муносиб воҳа



(Давоми. Боши 1-бетда) Аҳолининг уй-жойга бўлган эътиёжи...

ни ортиги билан бажара бошлади. Кейинги оптималлаштиришлар жараёнида...

Шунингдек, кишлоғимиз ёшларини соғломлаштириш мақсадида фермер хўжалигимизга қарашли даланинг...

лан Малайзия, Хитой, Япония, Туркия, Бирлашган Араб Амириклари сингари...

хосил бўлиб, уларда туриб кетган хаво чўкиб қолмаслигини, сув юзасига қалқиб чиқиб...

римиз қайта кашф этилди. Кашфиётларимиз дунё қадимшўносларининг эътиборини тортмоқда...

Кишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш учун Осиё Тараққиёт банкининг «Сурхондарё вилотида ичимлик суви таъминоти ва санитария» лойиҳаси асосида улкан ишлар амалга оширилляпти...

Жамоада 50 нафар киши доимий иш билан банд. Ойбек Норқулов ҳар йилги даромаддан хўжаликнинг моддий-техника базасини кучайтирди...

Ушбу фермер хўжалигида ишлашга талабгорлар ортаяпти. Чунки ишловчи меҳнатига яраша муносиб рағбатлантирилади...

Президентимизнинг 2011 йил 11 июлдаги «Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармойиши билан...

Айни пайтда ишчиларимиз билан йўлақлар учун мўлжалланган 20 хилдан ортик плиталарни ишлаб чиқараяпмиз. Буортмаларимиз кўп. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йиғилиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2-3 бараварга оширамиз...

Жамоамиз зиёратчиларни қабул қилиш ва кузатиб қўйиш билан бирга илмий-ижодий иш олиб боради. Бунинг учун қулай шароит мавжуд. Музей веб-сайтидан истаган маълумотдан олиб...

Усмон ТУРОПОВ, Жарқўрғон туман ҳокими ЭЪТИРОФДАН БАХРА ОЛИБ Ойбек Тошкент Ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини битирган, пойтахтда қолди...


Чеканка қиладиган механизм харид қилинди. Ойбек Норқулов 15 тоннадан кўпроқ бугдойни маҳалладаги кам таъминланган оилаларга текин улашди...

Туманимизнинг собиқ ҳокими, ҳозирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Парда Маъдиев ёрдами туфайли 2008 йилдан буён Қарши шаҳрида «Машъал» футбол жамоаси қошидаги ўсмирлар футбол академиясида тарбияланаётган...

«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишонини ҳамда «Sprak» автомашинаси билан тақдирланганлар орасида борлигидан фخرланаман.

Ушбу технология асосида тайёрланган пеноблок бетон ғиштининг қатор афзалликларига эришилди. Пеноблокдан терилган девор яхши «нафас олади»...

Исмомил БОТИРОВ, Термиз Археология музейи директори



Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши жамоаси. Ўзбекистон халқини ва соҳа ходимларини улус айём - Мустақилликнинг 20 йиллик байрами билан салтанатий қутлайди. Дилингизни Ватанга чекасиз муҳаббат, иртиҳор ва масъулият ҳислари тарқатмасин. Ушбу қутлуқ кунларда халқимизга сўхат-саломатлик, улкан муваффақиятлар тилайди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан ишловчилар манфаатини ҳимоя қилиш йўлида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун, энг аввало, тармоқ касаба уюшма фаоллари ва бошқа масъул ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий билим ва касбий маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти...


Қалъа ҳамда Хўжейли ва Қўнғирот тиббиёт коллежлари, ТошПТИ Нукус филиали, «9202» ҳарбий қисмига, 2011 йилнинг ўтган даврида эса Тўртқўл, Эллиқалъа, Беруний, Амударё туман тиббиёт бирлашмаларига, шунингдек, Тахиятош болалар уйи тарбияланувчиларига спорт жиҳозлари совға қилинди.

«Устоз-шогирд» усули кенг жорий этилган. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» кўрик-танлови, касаба уюшма раислари, фаоллари иштирокида ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

Ушбу қутлуқ кунларда халқимизга сўхат-саломатлик, улкан муваффақиятлар тилайди.

Уган йилнинг март, апрел, декабр ойларида меҳнат қонунчилиги, ҳуқуқий масалаларга оид соҳа ходимлари иштирокида семинарлар ташкил этилган. Шунингдек, тизимда ишловчилардан тушган 23 та ёзма, 41 та оғзаки мурожаат вақтида ижобий ҳал этилган.

Бундан ташқари, 2010 йилда Кегейли ва Шумонай тумани даволаш муассасалари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг автокорхонаси, Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва унинг поликлиникасида меҳнат қонунчилигининг бажарилиши кўриб чиқилган.



Болалигимда таниқли ёзувчиларнинг асарларини ўқиб, катта ёзувчи бўлган, дея орзуларимнига гарқ бўлардим. Бу бора-бора қатъий қарорга айланди. Икки-уч йил уриниб, Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факултети талабаси бўлдим. Ҳақиқатдаги ҳолатимни тасвирлаш қийин. Бор овозда ҳайқиргим келарди. Бу бахт мени Миллий университет жойлашган сўлим маскан — «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси билан боғлади...

— Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 11 февралдаги қарорига биноан «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси мустақил маъмурий ҳудуд сифатида ташкил топди, — дейди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Рўзимурод Чориев. — 2005 йилда кенг қўламдаги ободонлаштириш ва таъмирлаш натижасида шаҳарча ёшларнинг орзу-истагига монанд ўзгача қиёфа касб этди. Замон талабига жавоб берадиган талабалар турар жойлари, хизмат кўрсатиш объектлари, спорт иншоотлари янги қиёфага кўрина бошлади. Бундай эзгу ишлар билан танишиш мақсадида ўша йилнинг декабр ойида Президентимиз Имом Каримов шаҳарчага таъриф буюриб, тақлиф ва тасвиялар бергани ҳақиқатда эдимизда.

Олтин оғушлар маскани

турли ҳудудидан келган 27200 дан ортиқ ёшларнинг 10000 дан ортиқ 15 та таълим муассасасига қарашли 38 та талабалар турар жойида истиқомат қилади. Маҳалларда яшовчи аҳолининг аксарият қисми Тошкент шаҳридаги олий ва ўрта махсус таълим ҳамда тиббиёт муассасаларида таълим берувчи ва хизмат кўлувчи ходимлардир.

Маърифат — тараққиёт мезони
Талаба-ёшлар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлар бир зум бўлсада тўхтатиладиган йўқ.

Талабалар шаҳарчасидаги «Маънавият ва маърифат» маркази таълим муассасалари ва талабалар турар жойларида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштириш, илмий-услубий, ахборот-технологик ёрдам кўрсатиш, талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳамда амалий-ижодий қизиқишини қўллаб-қувватлаш билан шуғулланмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси билан ҳамкорликда таниқли шоир-ёзувчилар билан «Ўзбекистон - Ватаним маним» мавзусида давра суҳбатлари, «Ўзбектеатр» бирлашмаси билан бирга Тошкент шаҳрида жойлашган театр жамоалари иштирокида ижодий учрашувлар ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, ўқув йили якунлари бўйича «Энг фаол талабалар кенгаши раиси», «Энг ташаббускор талаба», «Энг яхши талабалар турар жойи тарихотчиси», «Энг ақил талабалар турар жойи», «Энг фаол «Камолот» етакчиси», «Энг ташаббускор киз», «Энг яхши ижодкор талаба», «Талабалар турар жойида энг яхши тарбиявий ишлар олиб борган декан муовини», «Энг обод ҳудуд» каби номинациялар томонидан шаҳарча ҳокимлиги томонидан фахрий ёрлик ва қимматбахш совғалар билан тақдирланади.


Спорт — гўзаллик, шижоат, бирдамлик
«Ёшлик»ни спортсиз тасаввур этиб бўлмайди. ЎзМУ ва Тош-

кент давлат техника университети қарашли стадион, спорт мажмуалари, теннис кортлари, волейбол ва баскетбол майдончалари қайта таъмирланиб, иккита гимнастика ва белбоғли кураш зали, ёпиқ сузиш ҳавзаси ҳамда Тошкент Тиббиёт академияси ҳудудида 4000 кишига мўлжалланган стадион ва спорт мажмуаси бунёд этилган. Халқ таълими вазирлигига қарашли Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан шаҳарча ҳудудида очик теннис корти ва мини футбол майдончалари ҳам бунёд қилинди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда жаҳон миқёсда фахрий ўринлари кўлга киритган спорт усталари ва ёш спортчилар билан талаба-ёшларнинг давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Бугунги кунда ўзбек қизларининг жаҳон ареналирига чиқиши, халқаро олимпиадаларда иштирокини кўриб қувонсан киши. Шаҳарча ҳудудида қизларнинг спорт билан шуғулланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республика сув спортини ривожлантириш саройида ҳафтанинг ҳар чоршанба кuni «Аёллар кuni» этиб белгиланган.

Бунёдкорлик ва ободлик
Айни кунларда юртимизнинг барча гўшасида «Буёқ ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида байрам тантаналари бошлаб юборилган. Истиклолга йигирма йил. Чуқурроқ ўйлаб қаралса, қисқа фурсат. Лекин мана шу даврда амалга оширилган яратувчилик, бунёдкорлик ишлари тарих зарфаридан муносиб жой эгаллади.



факкур доирасининг кенгайиши, қалбида она-Ватанга, халқига нисбатан меҳр-мухаббатни мустақамлашда катта аҳамият касб этади.

Талабалик — олтин давр
«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимиятидан чиқиб, «Маънавият ва маърифат» маркази сари йўл оламан. Киришдаги ўринда китоб вараклаб ўтирган қизга кўзимиз тушди.

«Маънавият ва маърифат» марказида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун барча шароит яратилган. Бундан унумли фойдаланган ҳолда дугоналарим билан ўқишдан сўнг бир неча курсларга қатнашамиз, — дейди ЎзМУ ўзбек филологияси талабаси Гулмехра Ашурова. — Яқинда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Истеъдод» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ҳамда ҳудуддаги барча таълим муассасалари ҳамкорликда ташкил этилган «Ёшларда раҳбарлик маҳорати» курсини тамомлаб, фаол талабалар қаторида сертификатга эга бўлдим.

Ўз ишига берилган ёшларнинг бир нечаси билан суҳбатлашиб, мамнун ташқарилдим. Шаҳарча ҳудудида давом этакимиз. Бир тўқсонда савлат тўкиб турган арчалар, йўлақлар четига қатор экилган гуллар одамнинг баҳри дилини очади. Ҳар томон яшиллик, ҳар томон ободлик. Бир хил кўринишдаги беш қаватли талабалар турар жойлари ёнидан ўтиб борарканмиз, бу бинода кечган талабалик йиллар ёдга тушади. Дўстлар орттирганимиз, миллий урф-одатлар, кадрларнинг улғуллови маданий-маърифий тадбирлар ташкиллаганимиз... Талабаликнинг олтин даврлари!.. Халқимизнинг азалий байрами — Наврузи олам қириб келган кун бутун ётоқхона жам бўлиб, сумалак пиширганимиз. Уйин-қулги қилиб, қизлар бир тараф, ўғил болалар бир тараф мушоярага берилиб кетганимиз...

Салим АБДУРАХМОНОВ, «Ishonch» мухбири. Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

Талабалик олтин давр, Дея бежиз айтмас экан. Кўз олдимдан ўтар бир-бир, Афсус ортга қайтмас экан. Талабалик, талабалик, Осмонда парвоз қилдик. Завқу шавқ-ла ўтган кунлар, Асрларга татигулик. Сабокдошлар даврасида, Ҳаётимиз гўзал эди. Шеърларимиз сарасида, Битилмаган газал эди. Сўзларимиз бир-биримиз, Дардимизга малҳум эди, Келажакка ишончимиз, Орзумимиз олам эди...

Енимиздан ёш-яланг ҳар томон ўтади. Бир қўлида китоб-дафтар билан кутубхонага шашаётган бўлса, бошқаси сумка кўтариб спорт мажмуасига... Хуллас, шаҳарчада ҳаёт қайнайд.

Замонавий сув-спорт мажмуаси қаршисидagi баскетбол қайдончасида беш-олти йигит-қиз икки гуруҳга бўлиниб, ўйинга берилган. Уларнинг чаққон ҳаракати, қоптоқни маҳорат билан саватчага ташлашига ҳавасимиз келди. Четда томоша қилиб, йўл-йўриқ кўрсатиб турган йигитчани суҳбатга тортамиз:

— Спорт — соғлиқ гарови, — дейди ўзини Тошкент Давлат техника университети талабаси деб таништирган Жавоҳир Алламуродов. — Урғокларим билан бунга қатъий амал қиламан. Дарсдан сўнг икки-уч соат мутолаа билан шуғулланиб, ҳар куни қанда қилмасдан шу майдончага келиб, баскетбол ўйнайман.

Кўёш уфқда бош қўйиб, кўча чироқлари нур соча бошлаган, атрофи гулларга бурканган йўллардан юриб шаҳарчани тарқатарканмиз, доно халқимизнинг ободлик кўнгилидан бошланади, деган гапи ҳаёлимиздан ўтади. Ҳа, юракка пок ниҳоятлар бўлса, эзгу ишларга йўл очилади. Халқ тинч, юрт фаровон бўлади. Ёшлар қалбига зиё улашаётган «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг ўзгача чироқ очилиши ҳам мана шу ҳикмат маёқ бўлгани шубҳасиз.

Салим АБДУРАХМОНОВ, «Ishonch» мухбири. Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

қашқадарё вилоят касаба уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва тармоқ касаба уюшма кенгаши жамоалари бирлашма кенгаши бош тарғиби Фазридин Қамаровга падари бузруквори Қаландар ҚАМАРОВнинг вафот этганиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Агроранот мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши жамоаси Пастдаргом туман тармоқ касаба уюшмаси кенгаши раиси Илаш Абдуллаевга онаси ШАРОФАТ момонинг вафот этганиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат биринчи тиббиёт институти томонидан Ҳамроева Дилдора Собировнага 2011 йил 13 июнда берилган 299555 рақамли Диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қашқадарё вилояти Китоб тумани ИИБ-дан Ҳамроева Дилдора Собировнага берилган СТ 1091384 рақамли 09.03.2011 йилда берилган фуқаролик паспорти йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, Давлат Солиқ қўмитаси Янги технологиялар илмий-ахборот марказининг 21.08.2011 йилдаги 181-сонли буйруғига асосан, қорхона балансидаги, Тошкент шаҳари, Абай кўчаси, 4-уй манзилда сақланаётган «Нексия» русумли, д/р 10АА031 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 10 901 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 8 сентябр кuni соат 10:00да бўлиб ўтади.
Талабгорлар диққати! Юқоридagi автотранспорт воситаси 2011 йил 8 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 15 ва 22 сентябр кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламан.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2021000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш 1 кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «МИКРОКРЕДИТБАНК» ОАТБнинг 30.06.2011 йилдаги 57-3-сонли қарорига асосан, «МИКРОКРЕДИТБАНК» ОАТБ Амалиёт бошқармасига тегишли, Тошкент шаҳар Лутдий кўчаси, 17-уй манзилда сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

- 1) «ГАЗ-31029» Волга русумли, бўлган, 1993 йил и/ч, д/р 10АХ930 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 628 000 сўм.
- 2) «ДЭУ Принц» русумли, 1996 йил и/ч, д/р 10АР818 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 528 000 сўм.
- 3) «ДЭУ Нексия» русумли, 1998 йил и/ч, д/р 10ВС928 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 032 000 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 6 сентябр кuni соат 12:00да бўлиб ўтади.
Талабгорлар диққати! Юқоридagi автотранспорт воситалари 2011 йил 6 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 13 ва 20 сентябр кунлари соат 12:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламан.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, «ОЗДИТРАНСХИЗМАТ» ДУКнинг 05.08.2011 йилдаги 41-сонли буйруғига асосан, «ОЗДИТРАНСХИЗМАТ» ДУКга тегишли, Тошкент шаҳар Широқ кўчаси, 110-уй манзилда сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

1) «ДЭУ ЛЕГАНЗА» русумли, 1998 йил и/ч, д/р 01 996 YAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 164 780 сўм.

2) «ДЭУ ЛЕГАНЗА» русумли, 1998 йил и/ч, д/р 01 313 YAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 375 870 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 7 сентябр кuni соат 10:00да бўлиб ўтади.
Талабгорлар диққати! Юқоридagi автотранспорт воситалари 2011 йил 7 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситасининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 15 ва 22 сентябр кунлари соат 10:00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламан.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва тармоқ касаба уюшма кенгаши жамоалари бирлашма кенгаши бош тарғиби Фазридин Қамаровга падари бузруквори Қаландар ҚАМАРОВнинг вафот этганиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Агроранот мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши жамоаси Пастдаргом туман тармоқ касаба уюшмаси кенгаши раиси Илаш Абдуллаевга онаси ШАРОФАТ момонинг вафот этганиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат биринчи тиббиёт институти томонидан Ҳамроева Дилдора Собировнага 2011 йил 13 июнда берилган 299555 рақамли Диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қашқадарё вилояти Китоб тумани ИИБ-дан Ҳамроева Дилдора Собировнага берилган СТ 1091384 рақамли 09.03.2011 йилда берилган фуқаролик паспорти йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Insonga naf keltirish
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTON

oliy baxt

Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUISOVA,
Dovud MADYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'liqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti
256-87-63

Huquq va xalqaro hayot
256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat
256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport
256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash
256-85-43

Reklama va e'lonlar
256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:

Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 27;
Samarqand + 99886 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi
va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

A. Toshev

Navbatchi:

A. Arslonov

Musahhah:

S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdullilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi tomonidan nashr etiladi.
Korxonani manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaninng seshanba, payshanba va sharba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilib shart.
Mualiflari fikri ta'biyiyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

h - Tjorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma tabloq.

Bosishga topshirish vaqti - 21-00
Topshirildi - 19.50

Buyurtma Γ — 811

13617 nusxada bosildi

1 2 4 5